

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4126-сон қарорини самарали амалга ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланувчи **Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигини** (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этиш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш мақсадида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш;
истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижросиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш;
аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;
(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон миллий сўғурта бозорини ривожлантириш, аҳолининг мазкур молиявий хизмат турларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва жамиятда сўғурта маданиятини юксалтириш долзарб масалалардандир. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг сўғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори айни шу вазибаларнинг ечими сифатида қабул қилинган.

Сўғурта хизматлари қай ўйинда тақомиллашиб боради?

Шу асосда Ўзбекистон Республикасининг сўғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича "Йул харитаси" ишлаб чиқилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланган берилди. Улар қаторида "Мажбурий сўғурта турлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Миллий матбуот марказида "Ўзгросўғурта" акциядорлик жамияти томонидан "Сўғурта соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг ижроси ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган мажбурий сўғурта турлари" мавзуда ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, сўғурта фаолияти мажбурий ва ихтиёрий шаклда амалга оширилади. Бугунги бозор иқтисодиёти даврида кутулаётган хатарларни ҳимоялашнинг энг мақбул усули сўғуртадир. Шунинг учун ҳам айрим фаолият турларини мажбурий шаклда амалга ошириш молиявий зарарларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.
(Давоми 2-саҳифада)

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА КАФОЛАТЛАНГАН ТУШУМЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11 сентябрь куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан мутлақо янги тизим яратилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги кўплаб бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Ушбу янги тизим яқинда ташкил этилган Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг мувофиқлаштирувчи роли остида Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, жойлардаги ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари бошчилигидаги иқтисодиёт комплекси ташкилотларининг мазкур йўналишда ҳамжихатлиқда изчил ишлашини назарда тутди.

Тадбиркорлик субъектларига

молиявий кўмак бериш мақсадида уларга тижорат банклари ўзига хос бизнес-ҳамкор бўлишини таъминлаш бўйича янги концепция амалиётга жорий қилинмоқда.

Бундай тизимли амалий чоралар натижасида жорий йилнинг ўтган 8 ойида 70 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, ҳудудларда ишлатилмаётган резерв ва имкониятлар етарли. Соҳани ривожлантириш бўйича янги тизим қандай ишлаши кераклигини жойларда кўпчилик раҳбарлар ҳали чуқур англаб етмапти.

Бош вазир қабулхоналари ташкил этилганидан кейин ўтган уч ой мобайнида уларга 12 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган, уларнинг асосий қисми кредит, ер ажратиш ва бошқа

масалалар билан боғлиқ.

Мурожаатларнинг аксарияти Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятларига тўғри келган. Улардан 9 мингтаси ёки 75 фоизи жойида, шундан 40 фоизи бевосита туман даражасида ҳал бўлган. Бу ҳолат илгарги куйи бўгун раҳбарлари тадбиркорлик соҳасидаги муаммолар билан умуман шуғулланмаганидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасига Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан бирга Бош вазир қабулхоналарига тадбиркорлик субъектларидан тушаётган мурожаатларда кўтарилётган муаммолар имкон қадар жойида ҳал этилишини доимий равишда муҳокама қилиб бориш топширилди.

Шунингдек, марказий идоралар ва вазирликлар раҳбарларидан иборат таркибда 6 та ҳудудий Ишчи гуруҳлар

тузган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизимни мамлакатнинг бошқа туман ва шаҳарларида жорий этиш, жойларда бу борада ишлатилмаётган имкониятларни сафарбар қилиш юзасидан аниқ чоралар белгилаб берилди.

Жумладан, Ишчи гуруҳларига ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиб, уларни қайси йўналишларга ихтисослаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда шунга мос равишда янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш юклатилди. Шунингдек, жойларда тадбиркорлар иштирокида уларни қизиқтирган масала ва умуман қизиктирган масала ва умуман қизиктирган очиқ мулоқотлар ўтказиб, мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриб бориш топширилди.

Мажлисда бизнес муҳитини яхшилаш бўйича қонуний асосларни тақомиллаштириш ва аниқ йўналтирилган амалий чоралар кўриш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Тўқимачилик маҳсулотлари ва ускуналари намойиши

"Ўзэкспомарказ" миллий кўرғазмалар мажмуида Тошкент глобал тўқимачилик кунлари доирасида Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ва мода индустрияси – "UzTextileExpo-2019" ва Тошкент тўқимачилик машинасозлиги – "ТТМЕ-2019" кўрғазмалари очилди.



Фотокор. АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

"UzTextileExpo-2019" кўрғазмаси павильонларида ўндан ортқ давлатдан 160 компания ўз маҳсулотларини намойиш этаётган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортигини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ташкил этди. Тадбирда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган пахта-тўқимачилик кластерлари вакилларининг илк иштирокини алоҳида таъкидлаш керак.

Кўрғазма очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Нодир

Отажонов, "ITE GROUP" компаниясининг ҳудудий директори Эдвард Струон ва бошқалар ҳар бир мамлакатнинг тўқимачилик саноатини ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик муҳим омил экани ва бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар тармоқ равангага хизмат қилишини таъкидлади.

Кўрғазмада хорижлик соҳа вакиллари қаторида юртимиз тўқимачилик корхоналари ишбилармонлари ҳам фаол қатнашмоқда. Пойтахтимиздаги "Зилло текстиль" корхонаси улардан бири.

– Корхонамиз маҳсулотларининг 90 фоизи экспортга, 10 фоизи эса ички бозорга йўнал-

тирилган, – деди корхона директори ўринбосари Алимардон Йўлдошев. – Ўн йиллик фаолиятимиз давомида жуда кўплаб ютуқларга эришдик. Бугунги кунда маҳсулотларимиз Ўрта Осиё, Россия, Украина каби қатор давлатларга экспорт қилинмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Олой бозорида паррандачилик маҳсулотларини сотишга ихтисослашган дўкон фаолиятини бошлади

Бугунги кунда паррандачилик нафақат қишлоқ хўжалигининг муҳим йўналиши, балки аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг энг истиқболли тармоғига айланди.

Соҳанинг жадал ривожланишида Президентимизнинг 2018 йил 13 ноябрдаги "Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарорга мувофиқ, парранда маҳсулотлари билан ички бозорни етарли миқдорда ва мақбул нархларда таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш, паррандачилик соҳасида илгори хоржий давлатлар тажрибасини ўрганиб, ҳудудлар

кесимида паррандачилик кластерларини ташкил қилиш ҳамда уларга инновацион технологияларни кенг жорий этиш, паррандалар касалликларига ташхис қўйиш ва олдини олиш чораларини кўриш учун Илмий-диагностика лабораторияларни ташкил қилиш вазибалари белгиланган. Шунга мувофиқ, 2018 йилда 7,3 млрд. донга тухум, 183 минг тонна парранда гўшти етиштирилган бўлиб, жорий йилда ушбу кўрсаткичнинг мос равишда 7,5 млрд. донга ва



191,4 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Республикаимизда 13 та паррандачилик кластерини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган.

Илмий-диагностика лабораториясини ташкил этиш мақсадида Янгийўл туманидан 1 гектар ер майдони ажратилиши учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Республикаимизда 13 та паррандачилик кластерини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида "Қўшынлык" МЧЖ, Андижон вилояти Улугнор туманида "Андижон бройлер", Бухоро вилояти Бухоро туманида "Эмир парранда" МЧЖ, Навоий вилояти Кармана туманида "Марзиябону" МЧЖ, Тошкент вилояти Паркент туманида "Паркент бройлер" МЧЖ ва Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида "Қўшқўпир парранда кластер" МЧЖ томонидан паррандачилик кластерларини йил охирига қадар йўлга қўйиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти жойларда сайёр қабуллар ўтказмоқда.

БОШ ПРОКУРАТУРА РАҲБАРΙΑТИ КРЕДИТ ОЛОЛМАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК КЎРСАТДИ

Қабуллар давомида муаммога дуч келаётган, кредит ололмаётган тадбиркорларнинг арзлари жойида ҳал этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида М.А.га тегишли масъулияти чекланган жамият банкдан нон маҳсулотларини тайёрлаш ускунасини сотиб олиш учун кредит ололмаётган эди. Бош прокуратура қабули пайтида у ёрдам сўраган, муаммо ҳал бўлди. Тадбиркорга 146 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Шунингдек, Навоий вилоятида И.И. раҳбарлигидаги тадбиркорлик субъекти сутни қайта ишловчи ускуналар сотиб олиш учун банкдан 1 миллиард сўм кредит олиши зарур бўлган. Бироқ банкка мурожаати ҳал бўлмаган, у ҳам сайёр қабул пайти бу ҳақда маълум қилди. Бу тадбиркорнинг арзи ҳам ижобий ечим топди.

Навоийлик яна бир тадбиркор К.Р.нинг лойиҳа ҳужжатлари "E-JRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасининг электрон онлайн-аукционларни ўтказиш веб-порталига жойлаштирилиши таъминланди.

Бош прокуратура раҳбарияти томонидан аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ана шундай амалий самара бермоқда.

Бунда мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш орқали аҳоли фаровонлиги учун бандлигини ва барқарор даромад манбаига эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмапти.

Ўтказилган сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатлар таҳлилий ҳамда прокуратура органлари ариштируви билан қисқа муддатда ечимини топаётган муаммолар бунга масъул бўлган мутасадди корхона, ташкилот ва муассаса мансабдор шахсларнинг ҳануз мурожаатлар билан ишлашда хизмат бурчи ва вазибаларини лозим даражада бажармаётганини кўрсатмоқда.

Муаттар РЎЗИБОЕВА, ЎЗА

Хоразм вилояти

Янгиариқ туманидаги Чакир маҳалласида ҳам "Обод қишлоқ" дастури асосида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Маҳалла аҳли ғайрат билан ишга киришди.

Чакир маҳалласи аҳли мамнун

Ҳозирга келиб, 7,5 км. дан ортиқ ички йўллар таъмирланди, 3 км. узунликдаги пиёдалар йўлакчалари қуриб, битказилди. 70 та электр таянч устунлари ва 7 км. дан ортиқ электр тармоқлари симлари янгиланди, 42 та тунги ёриткичлар ўрнатилди. Ҳаммом, мини футбол майдончаси, хусусий клиника қурилиши ҳам жадал олиб борилмоқда. Фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларга ҳам барҳам берилаяпти. Уларни ўрғаниш ва бартараф этиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари аҳоли ўртасида кенг фаолият олиб бормоқдалар. Бугунгача уй-жой, тоза ичимлик суви таъминоти, дори-дармон ва тиббий ёрдам, бандлик, имтиёзли кредит олиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда бошқа масалалар билан боғлиқ 53 мурожаат қабул қилиниб, ҳал қилиш чоралари кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янгиариқ туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан 2-сектор раҳбари – туман прокурори ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарларининг сайёр қабуллари ўтказилиб, 40 дан зиёд талаб-тақлифлар ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди.

Маҳалладаги умумий ўрта таълим мактаби биноси капитал таъмирланиб, ўқув йили янги шaroитларга эга масканда бошланди. Мактабгача таълим муассасаси атрофлари ободонлаштирилиб, кичкинтойлар учун ўйингоҳлар ташкил қилинди. Буларнинг барчасидан маҳалла аҳли мамнун. Уларнинг хурсандчилиги, чексиз миннатдорлиги шундоқ юз-кўзларига аққол намоён бўлиб турибди.

Ободлик интилишлари давом эмоқда.

Санъат БОЛТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янгиариқ туманидаги Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси.

Навоий вилояти



Эзгуликка эл бўлган инсон

Карманлик тадбиркор Ориф Каримовни нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам яхши танишади. Ҳаётий тажриба, уддабуронлик, ишбилармонлик Ориф аканинг қон-қонига сингиб кетган. Фаолиятида нимагаки эришган бўлса, ўзининг ҳалол меҳнати ва ишбилармонлиги билан муваффақ бўлган. Қахрамонимизнинг тадбиркорлик фаолиятини сарҳисоб қилар экансиз, ўтган давр фақат ва фақат юксалиш, янги лойиҳалар, истиқболли режалар билан тилга олинади. Ориф ака ташкил этган "Муҳаббат боғи" иссиқхонаси вилоятда иссиқхоначилик мактабига тамал тошини қўйган бўлса, "Гранд фарм" бренди остидаги хусусий клиникалар ҳамда замонавий дорихоналар тиббий соҳа ривожига муҳим ўринга эга бўлди.

Айниқса, туризмин ривожлантиришга қаратилган етти минг йиллик тарихга эга, очик осмон остидаги музей, дея эътироф этилган Сармишсойда ташкил этилган дам олиш худуди бугун нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Олдинлари ташландик бўлган бу худуд бугун том маънода обод масканга айланган. Албатта, тадбиркорликнинг қайси йўналиши бўлмасин, Ориф ака ундан барака топган. Унинг асосий мақсади фақат шахсий даромадни ошириш эмас, балки халққа фойдали тегиш, харидорларнинг ишончини қозонишдан иборатдир.

– Ҳар доим устозларимнинг панд-насихатлари, ўғитлари менга куч бағишлаган. Ота-онамнинг дуолари йўлларимни ёритувчи маъқ бўлди. Ҳаракат, изланиш шioriга айланган одам ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди. Фарзандларимга ҳам, шоғирларимга ҳам буни ўқитиб бораман. Чунки, фидойи бўлиш, мақсад сари ҳеч қандай қийинчиликдан оғишмаслик эртанги фаровонлик кафолатидир, – дейди

Ориф ака.

Қахрамонимиз нафақат тадбиркорлик соҳасида, балки, жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан элнинг журматига сазовор бўлган. Ҳар қандай яшагани билан белгиланади. Ҳар куни эрта тондан йўлга отланар эканмиз, албатта, ҳаёлимизда бугун олдинда қилишимиз лозим бўлган кун тартибини тузиб оламиз. Кечки пайт эса бир кунлик ҳаёт тарзимизни сарҳисоб қиламиз. Ўйлаганларимизга улгура олдикми? Улгурмаган бўлсақ, сабабини қидирамиз. Аслида, ҳар қандай мақсадга фақатгина юксак ишонч билангина эриша олиш мумкин. Шунда ўз-ўзимизни сўроқ қила бошлаймиз. Лекин бир нарса аёнки, чин дилдан қилинган ҳолис ният, албатта, ижобат бўлади. Ният ортида эса чин маънодаги ҳаракат ётади. Изланиш, интилиш, ўз-ўзини бошқара олиш муваффақият калитидир.

Ориф ака.

Қахрамонимиз нафақат тадбиркорлик соҳасида, балки, жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан элнинг журматига сазовор бўлган. Ҳар қандай яшагани билан белгиланади. Ҳар куни эрта тондан йўлга отланар эканмиз, албатта, ҳаёлимизда бугун олдинда қилишимиз лозим бўлган кун тартибини тузиб оламиз. Кечки пайт эса бир кунлик ҳаёт тарзимизни сарҳисоб қиламиз. Ўйлаганларимизга улгура олдикми? Улгурмаган бўлсақ, сабабини қидирамиз. Аслида, ҳар қандай мақсадга фақатгина юксак ишонч билангина эриша олиш мумкин. Шунда ўз-ўзимизни сўроқ қила бошлаймиз. Лекин бир нарса аёнки, чин дилдан қилинган ҳолис ният, албатта, ижобат бўлади. Ният ортида эса чин маънодаги ҳаракат ётади. Изланиш, интилиш, ўз-ўзини бошқара олиш муваффақият калитидир.

Ориф ака.

Қахрамонимиз нафақат тадбиркорлик соҳасида, балки, жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан элнинг журматига сазовор бўлган. Ҳар қандай яшагани билан белгиланади. Ҳар куни эрта тондан йўлга отланар эканмиз, албатта, ҳаёлимизда бугун олдинда қилишимиз лозим бўлган кун тартибини тузиб оламиз. Кечки пайт эса бир кунлик ҳаёт тарзимизни сарҳисоб қиламиз. Ўйлаганларимизга улгура олдикми? Улгурмаган бўлсақ, сабабини қидирамиз. Аслида, ҳар қандай мақсадга фақатгина юксак ишонч билангина эриша олиш мумкин. Шунда ўз-ўзимизни сўроқ қила бошлаймиз. Лекин бир нарса аёнки, чин дилдан қилинган ҳолис ният, албатта, ижобат бўлади. Ният ортида эса чин маънодаги ҳаракат ётади. Изланиш, интилиш, ўз-ўзини бошқара олиш муваффақият калитидир.

Ориф ака.

Қахрамонимиз нафақат тадбиркорлик соҳасида, балки, жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан элнинг журматига сазовор бўлган. Ҳар қандай яшагани билан белгиланади. Ҳар куни эрта тондан йўлга отланар эканмиз, албатта, ҳаёлимизда бугун олдинда қилишимиз лозим бўлган кун тартибини тузиб оламиз. Кечки пайт эса бир кунлик ҳаёт тарзимизни сарҳисоб қиламиз. Ўйлаганларимизга улгура олдикми? Улгурмаган бўлсақ, сабабини қидирамиз. Аслида, ҳар қандай мақсадга фақатгина юксак ишонч билангина эриша олиш мумкин. Шунда ўз-ўзимизни сўроқ қила бошлаймиз. Лекин бир нарса аёнки, чин дилдан қилинган ҳолис ният, албатта, ижобат бўлади. Ният ортида эса чин маънодаги ҳаракат ётади. Изланиш, интилиш, ўз-ўзини бошқара олиш муваффақият калитидир.

Замонамиз қахрамонлари

Безижга айтилмаганлигини доимо ҳис этиб яшайди. Шу боис ҳам хонадонини энг файли, ибратли, намунали бўлишига ҳаракат қилиб келди. Бугун маҳалланинг тотув ва бахтли оиласи, дея тилга олинган Каримовлар хонадонига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Ориф аканинг яна бир бахти фарзандларининг камолини кўраётганида. Албатта, ота-она учун жиғарбанднинг роҳатини ва фарогатини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак? Қахрамонимизнинг тўнғич ўғли Голиб Каримов ҳам тиббиёт ходими, ҳам тадбиркор. Кичик ўли Маъруф эса ота изидан борди. У ҳам тадбиркор сифатида эл назарига тушди. Айни пайтда "Муҳаббат боғи" хусусий корхонасида ҳуқуқшунос бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Қизи ҳам мамлакатимиз истиқболига муносиб ҳисса қўшаётир.

– Фарзандларимнинг Ватанимизга муносиб авлод бўлиб камолга етганидан гурунланаман. Аслида ота-она учун шунинг ўзи катта бахт, – дейди Ориф ака.

Айни кунларда 52 ёшга қарши олаётган қахрамонимиз фарзандлар, шоғирлар ва неваралар эъзоида мамнун ҳаёт кечирмоқда. Қийинчилик, машаққат ва меҳнат тўхтаган бахтли ҳаёт умр безагини таъминлаётир.

Ҳаёт синовида товланган, яхшиларга ёндашиб; кам бўлмаган қахрамонимиз тимсолида ҳақиқий ўзбек ўғлини кўз ўнгимизда гавдаланди. Аслида ҳам, ҳар биримиз учун ўзимиздан яхши ном қолдириш, ўтган ва ўтаётган умримиздан мамнун яшаш, фидойилик билан юртимизга хизмат қилиш, унинг тараққиётига ҳисса қўшиш, чин эзгулик, энг олий бахт эмасми!?

Отабек АСЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ва шахарларида шундай замонавий фабрикалар очиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келялмиш, – дейди "Арж Фейшин" компанияси вакили Режел Билгич. – Туркия ва Ўзбекистон дўстлик алоқаларининг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтиришда муҳим роль ўйнаяпти.

– Беш нафар фарзандим бор, – дейди Истиқбол маҳалласида яшовчи Ниғора Қудратова. – Шу вақтгача ишсиз эдим. Қишлоғимизда шундай замонавий фабрика ишларига омад тилади. Сайхунобод ва Сардоба туманларида ҳам шундай фабрикалар ишга туширилётганини мамнуният билан тилга олди.

– Биз саккиз йилдан буён Ўзбекистоннинг қатор туман

Истиқболда янги тикувчилик фабрикаси

Сирдарё туманидаги Истиқбол маҳалласидаги собиқ МТП омбори ўрнида 120 иш ўрнига эга бўлган замонавий тикувчилик фабрикаси фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳридаги "АРЖ Фейшин" компанияси томонидан киритилган сармога ҳисобига "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти барпо этган замонавий бинога юздан зиёд тикув машинаси келтириб, ўрнатилди.

Бу ерга ишга келган хотин-қизлар, коллеж битирувчилари бир ой давомида малакаларини оширдилар. Фабрикада тикувчиларнинг унумли ишашлари ва бўш вақтларида ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тикувчилик

фабрикасида аёллар гигиена хонаси, 60 ўринли ошхона доимий ишлаб турибди. Қатнаб ишлаётган тикувчилар учун иккита автобус ажратилган. Эътиборлиси, бу ерда тикиб, тайёрланаётган аёллар, болалар ва катталар кийим-кечаклари

тўлиқ Россия давлатига экспорт қилинади.

Фабрика очилишига бағишланган тадбирда вилоят ҳокими Ғ.Мирзаев сўзга чиқиб, тумanning энг чекка худудида шундай замонавий корхона ишга туширилганлиги билан туман аҳлини чин дилдан қўтлади ва фабрика жамоасининг ишларига омад тилади. Сайхунобод ва Сардоба туманларида ҳам шундай фабрикалар ишга туширилётганини мамнуният билан тилга олди.

– Биз саккиз йилдан буён Ўзбекистоннинг қатор туман

ЭЪЛОН

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоадорлар диққатига! "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 9 сентябрдаги 823-сонли бюортманомаларга асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Қашқадарё вилояти, Миришкор туманида жойлашган, умумий майдони 4539,88 кв. метр, қурилиш ости майдони 3130,06 кв. метр, 4 та литердан иборат, 1 қаватли "Водил деҳқон бозори" мажмуаси. Бошлангич баҳоси – 2 037 116 000 сўм.
2. Фаргона вилояти, Фаргона туманида жойлашган, умумий май-

иборат бўлган "Октепа деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ, Бошлангич баҳоси – 2 242 071 000 сўм.

5. Сирдарё вилояти, Ховос туманида жойлашган умумий майдони 5600,0 кв. метр, қурилиш майдони 892,0 кв. метр, 9 та литердан иборат бўлган "Ховос деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ, Бошлангич баҳоси – 1 962 303 000 сўм.
- Аукцион савдоси 2019 йил 20 сентябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
- Юқоридаги мулк 2019 йил 20 сентябрь кунини соатилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 25, 30 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
- Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
 - юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғри-

сидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун расмийлаштирилган ишоннома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишоннома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МҖО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширувчига қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (91) 797-71-17, (93) 534-05-00. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsuz@inbox.uz, kmsuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

